УзССР Давлат китоб палатаси
12 6 МАР. 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 52 (10.048). • 1991 йил 15 март • жума • Баҳоси 6 тийин.

Янгиланган ягона Иттифоқ учун!

17 март — СССР референдуми куни

СССР РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ УЧУН
БЮЛЛЕТЕНЬ
1991 ЙИЛ 17 МАРТ

Тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган ҳамда ҳар қандай миллатга мансуб кишининг ҳуқуқ ва эркинликларига тўла даражада кафолат бериладиган федерацияси сифатида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолишни зарур деб ҳисоблайсизми?

Кўрсатилган жавобларнинг бирини қолдириб, иккинчисини ўчириб ташланг.

ҲА — ~~ЙЎҚ~~

Овоз бериш чоғида ҲА ва ЙЎҚ сўзлари ўчириб ташланган ёки иккала сўз ҳам қолдирилган бюллетень ҳақиқий эмас деб топилади.

СССР РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ УЧУН
ҚЎШИМЧА БЮЛЛЕТЕНЬ
1991 ЙИЛ 17 МАРТ

Ўзбекистон янгиланаётган Иттифоқ (Федерация) таркибида мустақил тенгҳуқуқли жумҳурият бўлиб қолишига розимисиз?

Сизга маъқул бўлган жавобни қолдириб, иккинчисини ўчиришингизни сўраймиз.

ҲА — ~~ЙЎҚ~~

Овоз бериш чоғида ҳар иккала жавоб ҳам қолдирилган ёки ўчирилган бюллетень ҳақиқий эмас деб топилади.

ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР!

ҲОЗИР БУЮК ВАТАНИМИЗ БИРЛИГИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ, ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ ЖУМҲУРИЯТЛАР ЯНГИЛАНГАН ИТТИФОҚИДА ЯНАДА РИВОЖ ТОПАЖАКЛИГИНИ АНИҚ БЕЛГИЛАБ ОЛИШ ВА ШУ ТАРИҚА КЕЛАЖАГИМИЗ БЎЛГАН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ, НАБИРАЛАРИМИЗНИНГ БАХТЛИ ИСТИҚБОЛИНИ ТАЪМИНЛАШ РЕФЕРЕНДУМ КУНИДАГИ ҲАР БИРИМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР. ШУНДАЙ ЭКАН ҲАР ИККАЛА БЮЛЛЕТЕНДАГИ САВОЛЛАРГА ДАДИЛ «ҲА» ДЕБ ЖАВОБ БЕРАЙЛИК.

БЮЛЛЕТЕНЛАРДАГИ

ҲА — СЎЗИНИ ҚОЛДИРИНГ!

~~ЙЎҚ~~ — СЎЗИНИ ҲЕЧ ИККИЛАНМАЙ ЎЧИРИНГ!

17 МАРТ— СССР РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИГИ, ЯГОНА ИТТИФОҚНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ — ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ЖЎШҚИН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЕТИ ГАРОВИ ЭКАНЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТЛАРИНИНГ ИШОНЧИ КОМИЛДИР.

(Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР коммунистларига, барча меҳнаткашларига ва гражданларига мурожаатидан).

БЎЛИНГАННИ БЎРИ ЕР

Чиноздаги СССР референдумини ўтказувчи 32-мавзе комиссияси 17 март куни ўтказиладиган умумхалқ овоз бериши тадбирига фаол тайёргарлик кўрмоқда.

— Шу кунгача бизда 33 та референдум ўтказиш участка комиссиялари тузилди,— дейди мазкур комиссия раиси Абдуҳошим Абдукаримов.— Мавзе комиссияси таркиби эса 11 кишидан иборат. Ўтган давр мобайнида бир неча марта комиссия мажлислари ўтказилиб, комиссия аъзоларига участкалар бўлиб берилди. Участка комиссияларининг раислари, муовин ва котиблари олдида турган вазифалар белгилаб олинди. Партия, хўжалик фаоллари йиғилишини ҳам ўтказдик. Референдумда овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати тузилиб, аҳоли у билан танишиб чиқиши учун имкон яратиб берилди. Район партия қўмитаси ҳузурида, маҳалла ва участкаларда тузилган тарғибот-ташвиқот гуруҳлари таркибига обрўли кишилар — Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийлари, ҳуқуқшунослар, касаба уюшмаси фаоллари, шаҳар, ноҳия, қишлоқ, қўрғон кенгашлари депутатлари, партия-хўжалик раҳбарлари ва нуфузли мутахассислар бириктирилди. Бу фаоллар меҳнат жамоаларида, турар-жойларда иш олиб боришди.

Районимизда ёшлар кўп. Уларга мазкур сиёсий тадбирнинг қанчалар масъулиятли эканлигини алоҳида тушунтириб чиқдик. Шунинг учун мактабларда ҳам мунтазил иш олиб бордик. Тарғибот-ташвиқот ишлари айниқса 5-, 12-, 13-, 17-овоз бериш участкаларида яхши йўлга қўйилди дейиш мумкин.

Мавзе комиссияси раҳбари билан суҳбатдан сўнг Яллама қишлоғи томон йўл олдик. Қишлоқ Кенгашининг раиси Э. Қўшимов отахонлар билан суҳбатда экан. Биз ҳам даврага қўшилиб, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийлари, нуроний отахонлардан Раҳмонберди Тошев, Шермат Хўжамуродов, Бойқўзи Эргашев, Ҳайдарали Эшматовлардан бўлажак референдум ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик. Улар мазкур тадбирни ёқлаб гапирар эканлар, Иттифоқни албатта сақлаб қолиш лозимлигини таъкидладилар.

— Ота-боболаримиз «бўлинганни бўри ер, айрилганни айиқ» деб бежиз айтишмаган,— дейишди отахонлар. — Қолаверса, шу пайтгача ўзимиз ҳам «Қудратимиз — бирлигимизда» деб келдик. Хўш, нега энди азалдан ягона бўлиб келган оиламиз рўзғорини бўлиб юборишимиз керак? Ахир, бўлинган рўзғорнинг баракаси учиши ҳеч кимга сир эмас-ку! Иттифоқдан ажралиш, референдумни бойкот қилиш ҳақидаги фикрларни эшитганда беихтиёр уруш йиллари ёдимизга тушади. Ўшанда фақат аҳиллигимиз, иноқлигимиз туфайлигина фашизм Германияси устидан ғалаба қозонгандик. Суронли жангу-жадал йиллари, мамлакат катта қийинчиликларни бошидан кечираётган бир вазиятда, ҳамюртларимиз Россиядан ва бошқа Иттифоқдош республикалардан келтирилган ота-онасиз, бошпанасиз қолган болаларни ўз бағриға олганди. Кейинчалик зилзиладан кейин қардошларимиз бизга берган ёрдамни унутиб бўладими? Хуллас, гапирамиз десак, гап кўп. Иттифоқ нима эканлигини биз жуда яхши биламиз. Шунинг учун ҳам, биз кексалар Иттифоқ учун ва Ўзбекистон янгиланган Иттифоқ таркибида суверен тенг ҳуқуқли республика сифатида қолишига овоз берамиз.

Ўйлаймизки, ёшлар ҳам, барча чинозликлар ҳам бизга эргашишади.

Яллама қишлоқ фахрийларининг бу фикрини шу кунги суҳбатдошларимиз ҳам маъқулладилар.

Даврон АҲМАД.

● Суратларда: (юқорида) Чинозда СССР референдумини ўтказувчи 32-мавзе комиссиясининг раиси Абдуҳошим Абдукаримов (чапда) ташвиқотчи-тарғиботчилар билан суҳбатлашмоқда; (пастда) Яллама қишлоқ кенгашининг раиси Эргаш Қўшимов (чапда) Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийлари даврасида референдум ўтказиш тартиблари хусусида гапириб бермоқда.

Муаллиф суратлари.

ЯНГИЛАНГАН

МАНА, ҳаётимизда тарихий воқеа — СССР референдуми ўтказиладиган муддатга ҳам бор-йўғи икки кун қолди. Иттифоқ тақдири 17 март куни Сиз берган овоз натижаларига кўра ҳал этилади. Шундай экан, унда ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз ва аниқ фикримизни билдиришимиз лозим.

Маълумки, референдум мамлакатимиз тарихида биринчи марта ўтказилмоқда. Шунинг учун унинг мақсади, фуқароларнинг овоз бериш тартиби қандай бўлиши кўпчиликни қизиқтириши табиий. Қолаверса, 17 март куни участкага овоз бериш учун келган кишилар масаланинг моҳиятини тўлиқ тушуниб олган бўлишлари жуда муҳимдир.

Шу мақсадда биз халқ депутатлари вилоят Кенгаши ташкилий-совет ишлари бўлими мудири С. Ш. ИСЛОМОВдан ана шу ҳақда гапириб беришни илтимос қилдик.

ОВОЗ БЕРИШ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

— ВИЛОЯТИМИЗДА СССР референдуми ўтказишга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. 779 та участкада ҳозирги ҳисоб-китоблар бўйича 1 миллион 100 мингдан ортиқ фуқаро овоз беришда иштирок этади.

Вилоятда тузилган СССР референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича совет, партия ҳамда жамоатчилик ташкилотлари ишини мувофиқлаштирувчи штаб жойлардаги комиссияларнинг ишини мунтазам таҳлил этиб борди. Биз жойлардаги ташкилий ишлар билан биргаликда тарғибот, ташвиқотга алоҳида эътибор бердик. Бу ишга овоз бериш участкаларида референдумни ўтказувчи комиссия аъзолари билан биргаликда халқ депутатлари, совет, партия ходимлари, жами 15 мингдан ортиқ киши жалб этилди.

Албатта, ҳозир олдимизда турган энг муҳим вазифа 17 март куни уюшқоқлик кўрсатишдир. Референдумнинг қандай ўтиши фуқаролар ўртасида олиб борилган ишларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Участкага келган фуқаро овоз бериш тартиби билан пухта танишган бўлиши шарт.

Аввало референдумнинг жумҳуриятимизда ўзига хос хусусияти ҳақида тўхталиб ўтиш керак, деб ўйлайман. Сабаби бизнинг фуқароларимиз бошқа жумҳуриятлардан фарқли ўлароқ 17 март куни ИККИТА БЮЛЛЕТЕНЬ оладилар. Уларнинг биринчиси асосий бюллетень бўлиб, иккинчиси Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати тасдиқлаган қўшимча бюллетендир. Агар биринчи бюллетенда бутун мамлакат учун тасдиқланган матн ифодаланган бўлса, иккинчи қўшимчасидаги матн бевосита жумҳуриятимизга тааллуқлидир. Лекин бундан Ўзбекистонда иккита референдум ўтказилаётган экан-да, деган фикр бўлмаслиги лозим. Аксинча, иккинчи бюллетендан фуқароларимиз асосий бюллетенда қайд этилган саволнинг моҳиятини, гап нимада бораётганлигини аниқ равшан билиб оладилар.

Энди референдумда қатнашувчи фуқаролар рўйхатига тўхталсак. Бу рўйхатга **овоз бериш кунигача ёки овоз бериладиган кунда 18 ёшга тўлган ва рўйхат тузилаётган вақтда тегишли участка ҳудудида доимий ёки вақтинча яшаб турган фуқаролар** киритилди. Фуқароларнинг рўйхатлари СССР референдумини ўтказувчи марказий комиссия тасдиқлаган нусха бўйича тузилиб, фамилиялар рўйхатда овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган (алфавит тартибида, кўчалар бўйича уйларнинг, квартираларнинг номерлари бўйича ва бошқа белгиларига қараб) кўрсатилди.

Айни кунларда фуқароларга референдумда қатнашувчи кишилар рўйхати билан танишиш ҳамда унинг тўғри тузилганлигини текшириш учун участка комиссияси биноларида барча имкониятлар таъминлаб берилди. Рўйхатдаги ноаниқликларни (агар улар бўлса) фуқароларнинг аризаларига мувофиқ участка комиссияси зудлик билан кўриб чиқади. Хуллас, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар қонунда кўрсатилган барча ҳуқуқлардан фойдаланишлари учун имконият яратилган.

Ҳозир **овоз бериш ҳуқуқи гувоҳномаси** тўғрисида турли саволлар туғилмоқда. Бу нима ўзи? Фуқароларнинг рўйхатлари, танишиб чиқиш учун тақдим этилган кун билан референдум ўртасидаги даврда борди-ю, фуқаро маълум сабабларга кўра яшаш жойини ўзгартирган тақдирда участка комиссияси унинг илтимосига кўра овоз бериш ҳуқуқи гувоҳномасини беради. Гувоҳнома фуқаронинг **паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат** кўрсатилган тақдирдагина берилишини алоҳида таъкидламоқчиман. Мазкур гувоҳнома асосида фуқаро борган еридаги участкада овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади ва қўшимча рўйхатга киритилади.

Овоз беришни ташкил этиш ва уни ўтказиш жуда катта аҳамиятга эга. У қандай ўтказилади? Биринчидан, участка комиссияси овоз беришни ташкил этиш, фуқароларнинг ўз хоҳиш — иродаларини эркин, айни вақтда яширин билдиришларини таъминлаш учун жавобгардирлар. Референдум куни вилоятимизда овоз бериш маҳаллий вақт билан соат **7.00 дан 20.00 гача ўтказилади.** Овоз бериш махсус ажратилган биноларда амалга оширилади. Бунинг учун у ерда яширин овоз бериш хоналари жиҳозлаб қўйилди. Қутилар ўрнатилди.

Албатта, овоз бериш бошланишидан олдин участка комиссиясининг раиси ва аъзолари бюллетенлар солинадиган қутиларни текшириб, муҳрлайдилар. Ана шундан кейингина бу қутиларга бюллетенларни ташлаш мумкин. Шуни алоҳида айтиш керакки, бу ишларни амалга оширишда меҳнат жамоалари, ташкилотлар, матбуот, радио, телевидение вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро участкада бюллетенни **паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат** кўрсатибгина олиш ҳуқуқига эга. **Буни овоз берувчилар асло унутмасликлари керак.**

Саломатлиги ёмон бўлганлиги ва бошқа сабабларга кўра овоз бериш хонасига кела олмайдиган фуқаролар учун участка комиссияси **уйда овоз беришни ташкил этади.** Бунинг учун ҳам махсус қутилар тайёрлаб қўйилди. Шунингдек узоқ ва бориш қийин бўлган жойлардаги фуқароларнинг овоз беришини округ комиссияси белгилайдиган участка комиссиялари ташкил этадилар. Бундай жойлардан олинган маълумотлар участка комиссиясига радио, телеграф, телефон орқали етказилиши мумкин.

Ҳар бир фуқаро овоз бериш тартибига қатъий амал қилиши шарт. Унинг тартиби қуйидагича: у бюллетенни яширин овоз бериш хонасида тўлдирар экан, бюллетенда кўрсатилган **«Ҳа» ёки «Йўқ» деган жавоблардан бирини ўчириб ташлаши керак.** Борди-ю, овоз берувчи бюллетендаги «Ҳа» ва «Йўқ» сўзларининг иккаласини ҳам ўчириб ташлаган бўлса ёки иккаласини ўчирмаган бўлса, **бундай бюллетень ҳақиқий эмас деб топилади.**

Бюллетенни тўлдириш чоғида хонада овоз берувчидан бошқа бирор кишининг бўлиши тақиқланади. Агар бюллетенни мустақил тўлдириш имконига эга бўлмаган кишилар бўлса, уларнинг хоҳишига кўра хонага участка комиссиясининг аъзолари бўлмаган бошқа киши таклиф этилиши мумкин.

Овоз бериш тугагандан сўнг, яъни 20.00 дан кейин участка комиссияси фойдаланилмаган бюллетенларни ҳисоблаб чиқади ва бекор қилади. Ана шундан кейингина қутиларни очиш мумкин. Участка комиссияси асосий рўйхат, асосий рўйхатга илова ва қўшимча рўйхат бўйича референдумда иштирок этган фуқароларнинг умумий сонини, шунингдек бюллетень олган фуқаролар сонини ҳисоблаб, овоз бериш қутиларидаги бюллетенлар асосида комиссия овоз беришда қатнашган фуқароларнинг умумий сонини «Ҳа» деб овоз берган фуқаролар ҳамда «Йўқ» деб овоз берган кишилар сонини ҳамда ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенларни аниқлайди. Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, овоз беришнинг тўғри ташкил этилганлигини ҳамда бюллетенларнинг натижасини билиш истагида бўлган меҳнат жамоаларининг, жамоат ташкилотларининг, телевидение, радио, матбуот вакиллари иштирок этишлари мумкин. Фақатгина бундай вакиллар ваколатли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши ва бу ҳақда олдиндан участка комиссиясига хабар берилган бўлиши керак.

Овоз бериш натижалари тўғрисидаги протоколларни ҳар бир участка комиссияси тегишли округ комиссиясига халқ депутатлари тегишли ноҳия, шаҳар ва шаҳарлардаги ноҳия Советлари орқали жўнатилади.

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиман, 17 мартда СССР референдуми маҳаллий вақт билан эрталаб соат **7 да бошланади ва 20 да тугалланади.** Ўйлайманки, вилоятимиз фуқаролари унда фаол иштирок этадилар ва ўзларининг бурчларини адо этадилар.

Ватан тақдирига бефарқ бўлмайлик

Муҳтарам юртдошлар, ака-укалар ва опа-сингиллар! Маслаҳатгўй, саркор отахонлар, онахонлар!

Тошкент вилоят комсомол қўмитаси вилоятда истиқомат қилувчи ишчи, хизматчи, зиёли ва ёшлар, барча юртдошларни 17 март СССР референдуми кунида ўз инсоний, фуқаролик, қолаверса, конституциявий бурчларини фаол адо этишга даъват этади.

Бугунги кунда бор куч-ғайратимизни ягона Иттифоқни — барча иттифоқдош республикаларнинг мустақил ривожланиши гаровини сақлаб қолишга қаратишимиз керак.

Ўз тафаккурига, дунёқарашига, авлодлар тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир киши Ватанимиз тақдирига ҳам бефарқ бўлмаслиги шарт: дунёда биринчи озод социалистик давлатни сақлаб қолиш бугунги кунда Сиз, азизларнинг ихтиёрингизда бўлиб турганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Келинг, босиб ўтилган йўлларимизга бир назар солайлик. Тўғри, Совет ҳокимияти даврида кўпгина хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Буни очиқ тан олмасдан иложимиз йўқ. Лекин ҳамма нарса ҳам ёппасига ёмон бўлмаганлигини унутмайлик. Тан олайлик, жумҳуриятимиз иқтисоди, маънавий олами, сиёсий тафаккури ўсди, йирик индустрия корхоналари шаклланди. Диёримиз хом ашё базасига айланиб қолгани бизларни ҳам ташвишдан ҳоли этмади. Лекин ягона оила иқтисоди вужудга келаётган бир вақтда бундай улкан ресурслардан оқилона фойдаланиш учун биргина жумҳуриятнинг иқтисоди, куч-қуввати етмаслиги шундоқ ҳам аён бўлиб турибди. Орол фожиаси, кадрлар муаммоси барҳам топиши, транспорт, алоқа, информатика ривожланиши учун ҳамма бир тан, бир жон бўлиши шарт!

Бу аҳволдан чиқиш, фақат баҳамжиҳатлиликни ўзаро тушунишга, инсонларнинг ниҳоятда ўткир тафаккури, илмий дунёқарашига боғлиқ.

Биз Ўзбекистон ССР иқтисодий, сиёсий, илмий ҳамда маданият масалаларини ўзи мустақил ҳал қилган ҳолда ягона иттифоқ таркибида қолиши тарафдоримиз. Шу билан биргаликда қўшни жумҳуриятлар билан иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик тарафдоримиз. Ягона иттифоқнинг асосий вазифаси эса унинг таркибидаги барча республикалар мудофаа, хавфсизлигини таъминлашдан иборат деб ҳисоблаймиз.

Вилоятимизнинг барча комсомол ёшларини, юртдошларимизни, ака-укаларимизни, опа-сингилларимизни, отахонларимиз, онахонларимизни Ягона Иттифоқ таркибидаги мустақил Ўзбекистон учун овоз беришга чақирамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ.

(Тошкент вилоят комсомол қўмитаси V пленумида қабул қилинган).

ДЎСТЛИК ВА ТОТУВЛИКДА ЯШАЙЛИК

ЎШ, 14 март. (ЎзТАГ махсус мухбири С. Фенютин). Қардош ўзбек ва қирғиз халқлари ўзаро муносабатларининг минг йиллик тарихига бугун бу ерда янги саҳифа битилди. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов билан Қирғизистон Президенти А. А. Акаев Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

И. А. Каримов шартномани имзолаш маросимидан кейин сўзлаган қисқача нутқида мазкур ҳужжатни иккала халқ тарихида уларнинг бундан буёнги тараққиётини белгиловчи дастлабки ва ғоят муҳим ҳужжат, деб таърифлади. Шартнома ҳар иккала республика халқларига муносиб турмушни таъминлашдан иборат асосий мақсадга қаратилган. Ушбу шартнома билан зиддиятлар ва миллатчилик кўринишлари учун қандайдир даражада замин яратган ҳамма нарсага узил-кесил чек қўйилди. Биз қадим-қадимлардан бир диёрда яшаяпмиз, дўстлар ва яхши қўшнилар бўлиб яшаймиз.

А. А. Акаев шартнома ўзбекларнинг ҳам, қирғизларнинг ҳам халқ байрами бўлган ҳамда ҳар бир хонадонга, ҳар бир оилага тинчлик ва тотувлик келтирадиган Навруз арафасида имзолангандигини таъкидлади.

Шартнома Ўзбекистон билан Қирғизистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларацияларига асосланган.

Томонларнинг ишончи комилки, Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик муносабатларини ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш иккала халқнинг туб миллий манфаатларига мос бўлиб тушади ва тинчлик ҳамда хавфсизлик ишига хизмат қилади. Ўзбекистон ва Қирғизистон зиммаларига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро қоидаларга риоя этиш мажбуриятини оладилар.

Шартноманинг биринчи асосий моддасида бундай жумлалар бор: «Ўзаро келишувчи юксак томонлар бир-бирларини янгиланган Иттифоқ — федерация таркибидаги мустақил давлат деб эътироф этадилар ҳамда бошқа томоннинг давлат суверенитетига зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатлардан тийилиш мажбуриятини оладилар».

Шартномада миллий худбинлик ва миллий муросасизликнинг ҳар қандай кўринишлари қораланади. Томонлар миллатлараро муносабатларда экстремизмнинг олдини олиш ва уни таг-томири билан тугатиш ҳамда миллатлараро можароларга йўл қўймаслик учун энг қатъий чоралар кўриш мажбуриятини оладилар. Миллатлараро муносабатларда вужудга келадиган иқтисодий, ижтимоий, маданий муаммоларни ва бошқа муаммоларни фақат сиёсий воситалар билан ҳал этишга кафолат берилади.

Республикалар ҳамкорлигининг йўналишлари белгиланди. Улар тенг ҳуқуқлилик асосида, жумладан, мувофиқлаштирувчи умумий муассасалар орқали амалга ошириладиди. Инсонни ҳимоя қилиш масалалари, ташқи сиёсатда ва ташқи иқтисодий фаолиятда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш, умумий бозорни вужудга келтириш ва ривожлантиришда, энергетика, транспорт, ахборот ва алоқа, шу жумладан, ер йўлдошлари ва телеалоқалар системаларини бошқаришда ҳамкорлик қилиш, ана шундай йўналишлардир. Иккала республика ҳудудида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш, экология хавфсизлигининг кенг қамровли системасини барпо этишда иштирок этиш, фавқулодда вазиятларда ўзаро ёрдам бериш кўзда тутилган.

Ана шу йўналишларда Оролнинг экология системасини тиклашда ва Орол бўйидаги аҳоли турмуш шароитини яхшилашда иқтисодий, ташкилий, техникавий ва бошқа хил алоқалар кўзда тутилган.

Имзоланган шартнома республикаларнинг парламентларида тасдиқланиши керак. У 10 йил муддатга тузилмоқда, лекин томонлардан бири шартнома амал қилишини тўхтатиш истагини билдирмаса, у яна 10 йилга узайтирилиши мумкин.

1991—1995 йилларда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимни имзолаш маросими ҳам бўлди. Битимни Ўзбекистон ССР Вазирлар Кабинети раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков ва Қирғизистон Республикаси Бош вазири Н. И. Исанов имзоладилар.

* * *

Шу куни журналистлар билан учрашув бўлди. Учрашувда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов билан Қирғизистон Республикаси Президенти А. А. Акаев сўзга чиқдилар. Улар журналистларнинг кўпгина саволларига жавоб қайтардилар.

Кечқурун икки республика санъат усталари катта концерт қўйиб бердилар.

• СССР—УМУМИЙ

ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИ—

Қайта қуриш ҳозирги вақтда жамиятимизни тўлқинлантираётган минглаб муаммоларни юзага чиқарди. Лекин иккита муаммо борки, улар деярли ҳар қайси оилада муҳокама қилинмоқда. Бу, бозор иқтисодиёти бизни қаёққа олиб боради ва Иттифоқ келгусида қандай бўлади, деган муаммолардир. Бироқ у муаммо ҳам, бу муаммо ҳам бир-бири билан шунчалик боғланиб кетганки, уларни фақат бирга ва кучли давлат тузилмаларининг бир хил доирасида ҳал қилиш мумкинлигини тушунмоқ учун иқтисодчи ёки ҳуқуқшунос бўлиш шарт эмас.

Шундай қилиб, Иттифоқ ҳақида. У қандай бўлиши керак? Унитар давлатми, федерациями ёки конфедерациями, суверен давлатлар ҳамжамиятими? Унитар давлатдан воз кечганга ўхшаб турибмиз — ўта марказлаштириш ва давлатнинг майда-чуйда ишларга аралашавериши жуда кўп кулфатлар келтирди. Энди эса бошқа қирғоққа чиқиб қолганга ўхшаймиз — айрим республикалар конфедерацияни таклиф қилишмоқда, баъзилар эса федератив иттифоқ бўлсин, лекин конфедерация белгилари билан бўлсин, дейишмоқда. Қандай бўлмасин, кўплар республикалар суверенитетини мутлақлаштира бошладилар. Булар ҳаммаси яна маълум унитар моделга ўхшаб кетади, фақат битта давлатнинг эмас, кўплаб давлатларнинг моделидир. Республикаларнинг суверенитет тўғрисидаги декларациялари шундан яққол далолат бериб турибди.

Гарчи бу декларациялар яшаб келган авторитар-бюрократик механизмга жойлардаги акс садони ифода этаётганга ўхшаса-да, лекин, барибир, бу ҳужжатларнинг кўпгина қоидалари ўзини оқламайдиган даражада узил-кесил қилиб қўйилган. Агар республика Иттифоқ таркибида ва давлатларнинг қудратли иттифоқи ҳимоясида яшайдиган бўлса, равшанки, умумий иш манфаати учун, бинобарин республиканинг ўз манфаатлари йўлида ваколатларнинг бир қисмини Иттифоққа (ёки Марказга) бериш лозим. Ташқи сиёсат масаласини олиб кўрайлик. Фақат Иттифоқгина халқаро майдонда республикалар манфаатларини муносиб тарзда ҳимоя қилиши мумкин. Бу, менимча, равшан кўриниб турган нарса. Яна бошқа масала бор: бутун Иттифоқнинг ташқи иқтисодий стратегияси ишлаб чиқилаётган вақтда ҳар қайси республиканинг овози ниҳоятда эътибор билан ҳисобга олинадиган қарорлар қабул қилиш механизми йўлга қўйилган бўлиши лозим.

Ёки бир қатор декларацияларда эълон қилинган бошқа принципни олиб кўрайлик. Бу республика Конституцияси ва қонунларининг ана шу республика бутун ҳудудида устунлиги қоидасидир. Масалага бундай ёндашиш маҳаллий бюрократизм авторитар — марказлашган бюрократизмдан кучлироқ бўлиб қолишига олиб келмасмикин, бундай иш тутилса Иттифоқ давлати кўпдан-кўп тарқоқ суверен республикалар, ўлкалар, вилоятлар, шаҳарларга бўлиниб кетмасмикин? Ахир қонунларни (иттифоқ, республика, маҳаллий қонунларни) эркин талқин қилиш ягона давлат доирасида республикаларнинг келишиб олинган ҳаракатларини ниҳоятда қийинлаштириб қўяди. Машъум қонунлар жанги ана шундан бошланмасмикан?

Яна бир гап: республикаларнинг ўз табиий ресурсларига мутлақ эгалик қилишдек ҳуқуқини олиб кўрайлик. Масаланинг бундай қўйилиши таркиб топган хўжалик алоқаларини барбод этишга ёки уларнинг ривожланишига жиддий равишда тўсқинлик қилишига олиб келиши мумкин. Чунки республикаларнинг халқ хўжалик комплекслари бир-бири билан ўзаро боғлангандир. Шубҳасиз, илгари қаттиқ марказлашганлик ташаббусни бўғиб келган эди, лекин манфаатлар.

ЯГОНА ИТТИФОҚ УЧУН!

ШТАБ МАЖЛИСИ

КЕЧА Тошкент вилоят ҳудудида СССР референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича совет, партия ҳамда жамоат ташкилотлари ишини мувофиқлаштирувчи штабнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Вилоят шаҳар ва районларида сўнгги босқичдаги ишлар билан боғлиқ кенг қамровли масалалар муҳокама қилинди.

Штаб мажлисида вилоят ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т. А. Худойберганов, вилоят маданият бошқармаси бошлиғи З. О. Солиҳов, вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудири М. Ф. Бекнозова ва алоқа ишлаб чиқариш-техник бошқармаси бошлиғи М. С. Содиқовнинг ахборотлари тингланди.

Вилоят Кенгаши ташкилий-совет ишлари бўлими мудири С. Ш. Исломов мавзе ва участка комиссиялари тайёргарлиги тўғрисида ахборот берди.

Мажлисни штаб раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари Р. Қ. Турсунов олиб борди.

КУНИ кеча Калинин район партия қўмитаси ва район кенгашининг нашри «Ленинчи» рўзномасида барча меҳнаткашларга қаратилган мурожаатнома эълон қилинди. Партия ва меҳнат фаҳрийлари, совет ходимлари, маҳалла қўмиталари ва жамоатчилик фаоллари қабул қилган бу мурожаатномада улар барчани 17 март куни ССР Иттифоқини сақлаб қолиш учун овоз беришга чақирганлар. Йўқ, бу шунчаки қизил гаплар эмас. Районда бу масалага жуда жиддий ёндашилмоқда. Ўша кунги йиғилишда ҳам Иттифоқни сақлаб қолиш нима учун зарурлиги тўғрисида иштирокчилар атрофлича фикр юритдилар, ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

— Районимизда 38 та очиқ ва 5 та ёпиқ овоз бериш участкаси мавжуд,— дейди 25-Калинин мавзеси комиссия раисининг ўринбосари, Калинин район партия қўмитаси мафкура бўлимининг мудири Облоқул Жўраев.— Ҳозиргача бу участкаларнинг ҳаммасида овоз берувчиларнинг рўйхатлари ва бошқа ташкилий ишлар ниҳоясига етказилди.

17 март куни райондаги 67023 киши овоз беришда иштирок этади. Албатта, уларнинг қай бири Иттифоқни сақлаб қолиш учун, қай бири унга қарши овоз бериши ҳақида бир нарса дейиш қийин. Лекин бир нарса аниқ. Калининликларнинг аксарияти янгиланган Иттифоқ тарафдори эканликларини билдирмоқдалар.

ҲАММА НАРСА ТАХТ

— Ҳа, халқимизнинг кайфияти яхши. Шахсан ўзим бир қатор маҳаллаларда бўлиб ўтган йиғилишларда иштирок этдим,— дейди О. Жўраев. — Уларда одамлар масаланинг моҳиятини тўғри тушунганликларини кўрдим. Дастлаб бизни референдум куни қўйилган масаланинг мавҳумлиги бироз қийин аҳволга солиб қўйган эди. Жумҳурият ҳукуматининг қарори билан иккинчи бюллетеннинг киритилганлиги ва унда референдумдан жумҳурият аҳолиси кутаётган мақсад аниқ ифодаланганлиги айни муддао бўлди. Ўйлайманки, 17 март куни районимиз фуқаролари овоз беришда фаол иштирок этадилар.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

● **РАЙОНДАГИ «Қорасув» шўро хўжалиги ҳудудида жойлашган 25—26 сонли участкалар 17 март — СССР референдуми ўтказиладиган куни овоз берувчиларни қабул қилишга тахт қилиб қўйилди. СУРАТДА: шўро хўжалиги партия ташкилоти котибининг ўринбосари Р. Аъзамова (ўнгда), участка комиссиясининг аъзолари Ф. Кўчимов, С. Зуфаровалар билан.**

Суратқаш Б. АЛИМОВ.

СЎЗСИЗ «ҲА» ДЕЙМАН

Олийгоҳда ўқиб юрган вақтимизда «Психология» деган фан кирарди. Домла фаолият тушунчаси ҳақида маъруза бўлишини айтдилар-да, маъруза ўртасида «кишининг энг мураккаб фаолият соҳаси қайси соҳа?» — деб қолдилар талабаларга. Талабалардан бири спорт, бири кино, бири учувчилик, дейишди. Хуллас, чекка-чеккадан турли соҳаларни айтиб чиқдик. Анча ёши улуғ домламиз бу саволга ўзлари, «дунёда энг оғир, мураккаб фаолият — бу сиёсий фаолиятдир. Чунки бу фаолият шунчалик мураккабки, ҳар кимга ҳам ёқавермайди, ҳар ким ҳам уддасидан чиқавермайди. Бу фаолиятдаги озгина хато ҳам халқ бошига бало-офатларни олиб келади», — деб жавоб бердилар.

Ҳа, бугунги сиёсий жўшқинлик кунларида домла ниҳоятда ҳақ эканлиги, сиёсат иши «кампирнинг юмшоқ, ғарқ пишган шафтолини ейишидек» осон иш эмаслигини бир меҳ эмас, ҳамма тушуниб турибди.

«Правительственный вестник» ҳафтаномасининг 1991 йил 4-сонида ТАСС махсус мухбирларининг республикамиз Президенти И. Каримов билан суҳбати шахсан менда яхши ниятларни пайдо қилди. Ушбу савол-жавобни ўзи турли тушунмовчиликларни ойдинлаштиради. Ниҳоятда чигаллаштириб ташланган Иттифоқ саноатидаги бирор жойдаги узилиш, албатта, жумҳуриятимиз саноатига таъсир кўрсатмай қолмайди. Шунга кўра «Нарх кўрсаткичлари бўйича республика ўз мажбуриятларини 98,5 фоиз адо этди. Иттифоқ эса Ўзбекистонга нисбатан мажбуриятларини 57—58 фоиз бажарди, холос» дейилади Президент жавобида. Дарҳақиқат, Иттифоқда иқтисодий омиллар амал қилмагач, шундай паст кўрсаткич бўлиши табиий.

Агар жумҳуриятлар ўртасида иқтисодий омиллар амал қилмаса, лоақал оилаларда, маҳаллаларда қадимдан амал қилинган оддий натурал иқтисодий муносабатлар амал қилиши даркор. Турмуш қийинчиликларидан қутилишни бир учи ўзимизга боғлиқ. Иттифоққа боғлиқ қисмини эса Президент жавобидан қидирамиз: «Янги Иттифоқ шартномаси тузилаётганида марказ ва федерация субъектларининг ваколатларини аниқлаб қўйиш жуда катта аҳамиятга эга. Биз федерацияни ёқлаётган эканмиз, ўз вазифамиз бошқача тарзда тақсимланишига асло рози бўлмаймиз».

Халқимиз ғоят масъулиятли давр олдида турибди. Биз ўзимизни, келажак авлодларимизнинг тақдирини ҳал қилувчи СССР референдуми ўтказиш тадбирларини кўрар эканмиз сиёсатни жуда чуқур таҳлил қилишимиз, обдон фикрлашимиз, берилган саволларга ҳар томонлама ўйлаб жавоб қилишимиз керак. Ҳа, сиёсат, айниқса бугунги алғов-далғов кунда хамирдан қил суғуриш эмас. Жиддий, ҳар томонлама пухта ўйлайлик.

Шахсан мен референдумнинг ҳар икки саволига ҳам «Ҳа» деб жавоб беришга аҳд қилдим.

Бахтиёр КАРИМОВ,
ўқитувчи.

17 МАРТ — СССР РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ХОС БЎЛГАН БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК АСРИЙ АНЪАНАЛАРИ АЙНИ СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИ МОБАЙНИДА, ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР Н И Н Г ЯГОНА ОИЛАСИДА ЭНГ КЎП РАВНАҚ ТОПДИ.

(Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР коммунистларига, барча меҳнаткашларига ва гражданларига мурожаатидан).

СССР референдумини ўтказувчи 18-Янгийўл шаҳар мавзесида ҳам тайёргарлик ишлари ниҳоясига етди. 17 март куни шаҳар меҳнаткашларининг овоз беришлари учун 22 та участка ташкил этилган. Ҳозир бу участкаларга овоз бериш бюллетенлари тарқатилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, умумхалқ овоз беришини уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча участкаларнинг комиссия аъзолари фаол ҳаракат қилдилар. Суратқашимиз В. Тўраев олиб қайтган ушбу тасвирлар шаҳар мавзеси (юқорида) ва 5-овоз бериш участкасида туширилган. Комиссияларнинг бир гуруҳ аъзолари ташкилий ишлар билан машғул.



СССР референдуми арафасида турибмиз. Жумҳуриятимиз янгиланган иттифоқ таркибида қоладими, ёки йўқми? Бу саволга 17 март куни жавоб оламиз. Лекин шуни айтиш керакки, вилоятимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР коммунистларига, барча меҳнаткашлари ва гражданларига Мурожаатига жавобан мустақил жумҳуриятлар бирлигидан ташкил топган Иттифоққа овоз бериш истагини билдирмоқдалар. Биз ҳам референдум арафасида вилоятимизда яшаб меҳнат қилаётган турли миллат вакиллари билан суҳбатлашдик. Қуйида уларнинг фикр-мулоҳазаларини бермоқдамиз.

БИР ТАНМИЗ, БИР ЖОНМИЗ

ВИЛОЯТИМИЗДА ЯШАЕТГАН ТУРЛИ МИЛЛАТ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МУРОЖААТИГА ЖАВОБАН АНА ШУНДАЙ ДЕМОҚДАЛАР.

Мунаввархон АКБАРОВ,—
Пискент районидаги Фузулий номли ўрта мактаб ўқитувчиси

— Референдумда қўйилаётган саволларнинг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, менимча, янгиланган Иттифоқ учун овоз бериш керак. Агар Иттифоқдан ажралиб чиқсак, бўлинган шароитда энг аввало иқтисодий муаммоларимиз янада чигаллашиб кетади. Таълим-тарбия соҳасида ҳам етишмовчиликлар мавжуд. Буларни бир ўзимиз ўрганиб чиқишга улгурармиканмиз. Янгиланган шароитда ишларни йўлга қўйиш, замонавий дарсликлар яратиш, уларнинг манбаларини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Энг мақбул йўли шу.

Фурқат КАРИМБЕРДИЕВ,
Бўстонлиқ районидаги тайёрлов идораси катта товаршуноси

— Мен тожик фарзандиман. Лекин шу пайтгача ҳеч ким менга миллатимни таъна қилмаган. Бугунга келиб биз миллат ажратадиган бўлиб қолдикми? Йўқ, бундай бўлмаган, бўлмайди ҳам. Ўйлайманки, янгиланган иттифоқ миллатлараро авж олаётган низоларга чек қўяди. Яна баҳамжиҳат ҳаракат қиламиз.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан; иқтисодий алоқаларни олайлик. Бу бутун бошли занжир-ку, ахир. Уни узиш қанчалик мураккабликлар туғдиришини мутахассислар яхши билишади. Вилоятимиздаги кичкинагина бизнинг идорамизнинг ўзи Москва, Свердловск, Челябинск, Омск, Узоқ Шарқ вилоятлари ҳамда Белоруссия ва бошқа жумҳуриятлар билан бир неча йиллардан буён алоқа қилиб келади. Биргина овоз ёки ҳаракат билан буларга тўсиқ қўйиш амалда мумкин эмас. Ўйлайманки, халқимиз буни тушуниб етди ва янгиланган иттифоқ учун овоз беради.

Дилавер РАМАЗОНОВ,
Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи

— 17 март куни мени айтадиган гапим битта. Янгиланган иттифоқ учун овоз бераман. Бунга тўла маънавий ҳуқуққа эгаман. Сабаби мен Ўзбекистонда, ўзбеклар орасида туп қўйиб палак ёздим. Шу ерда бошқа қардошлар билан бригаликда элга танилдим. Устозим Тошкентбой Темиров пенсияга чиққанида унинг ўрнига мени ўзбек дўстларим бригадир этиб сайлашди. Бу дўстлик, ҳамжиҳатлик, кичик бир иттифоқнинг кўриниши эмасми.

Халқ ҳақ йўлни ўзи танлаб олади. Кимларнингдир сийқа ташвиқотига ўрин йўқ бугун. Чунки халқлар ўртасидаги дўстликнинг рамзи бўлган иттифоқни, дунёга бирлашиб, буюк давлат бўлиб танилган СССРни парчалаб ташлаш улар ўйлаганчалик осон эмас.

Мария АЯНАБЕКОВА,
КПСС XXVIII съезди делегати, Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзоси

— Ёшлигимиздан турли миллат вакилларининг фарзандлари билан бир маҳаллада ўсганмиз. Мен қозоқ бўлсам-да, корейс, рус болалари билан катта бўлганман. Отам Шермат ака механизатор эмасми, тракторини миниб, ишдан қайтганида биз қувониб кетардик. Ана шу байналмилалчилик хусусиятлари бизни ҳеч қачон тарк этмаган. Бу гапларни айтишимга сабаб 17 мартда референдум ўтказилади. Унда қўйилаётган саволлардан ҳам хабардормиз. Агар жумҳуриятимиз янгиланган ССР Иттифоқида қолишни истаса асло хато қилмайди. Чунки бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Ёки Иттифоқдан чиқиб кетса биринчи навбатда халқимизга мудофаачилар — армия зарур бўлади. Шунингдек, бошқа жумҳуриятлар билан алоқаларни тиклашимиз, ўзаро савдо-сотиқни ривожлантиришимиз ҳам керак. Менимча, буларга бирданига эришиб бўлмайди. Бунинг учун аввало ўйлаб иш юритайлик.

Виктор ПАК,
Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги партия ташкилотининг котиби

— Тўғрисини айтадиган бўлсак, референдумда нима дейишни ўзим ишлаётган жамоа хўжалигининг ютуқ ва камчиликларидан келиб чиқиб айтмоқчиман. Хўжалигимизда корейслар билан бир сафда ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, уйғурлар, дунганлар ва руслар меҳнат қилишади. Хуллас, ўндан зиёд миллат вакили шу ерда яшайди. Жамоамизга икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хва асос солганди.

1990 йилдан хом ашёни четга чиқаришдан воз кечдик. Ўзимизда пахта заводи бор, тола чиқаряпмиз. Энди шу толаларни ўзимиз шартнома асосида сотмоқчимиз. Шунинг учун ҳам Жанубий Кореянинг «Колон» фирмаси билан шартнома тузмоқчимиз. Бизнинг услубимиз бошқаларникидан тузилиши жиҳатидан тамоман фарқ қилади. Кейинчалик хом ашёмизни шу ернинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулотлар ҳам чиқармоқчимиз. Мен бу гапларни айни референдум арафасида айтишимга сабаб эртага Иттифоқдан чиқиб кетгудек бўлсак бизнинг жорий этган услубимизга путур етмасмикан. Кўпинча шуларни ўйлаб қоламан. Яхшиси мустақил жумҳурият бўлиб, Иттифоқда қолганимиз маъқул экан. Бизнинг хўжалигимиз аъзолари, қолаверса корейс халқи ана шулар учун «ҳа» деб овоз берамиз.

Светлана ПОПОВА,
Чирчиқ шаҳридаги сут маҳсулотлари заводининг техника хавфсизлиги бўйича муҳандиси

— Мен Совет Иттифоқи учун овоз бераман. Нима учун? Шунинг учунки, мамлакатимизнинг ҳозирги ҳолатини кўриб туриб, ачиниб кетаман. Мана, биргина мен ишлаётган сут маҳсулотлари заводи мисолида бу яққол сезилади. Иттифоқ миқёсидаги шартномаларнинг вақтида тузилмаётганлиги, заводда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг узилишига олиб келмоқда. Бунинг натижасида нафақат Чирчиқ шаҳри, балки тошкентликларни ҳам сут маҳсулотлари билан таъминлай олмаяпмиз. Сабаби идиш йўқ. Идишлар вақтида етказиб берилмаяпти. Умуман, жумҳуриятимиз мустақил бўлиб қолсин. Лекин янгиланган ССР Иттифоқи таркибида бўлсин.

УЙИМИЗ

ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

мос келиши йўлида бирмунча пухта ишланган қоидаларни излаб кўриш мақбул бўлмасмикин? Бундай қоидалар менимча Иттифоқ шартномаси лойиҳасида, унинг Иттифоқ ваколатлари тўғрисидаги 5-моддасида ўз ифодасини топган.

Суверенитет тўғрисидаги республикаларнинг декларацияларида мавжуд бўлган бу хилдаги ниятлар жамиятни бузишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига ва пировард натижада биз яшаётган давлат барбод бўлишига олиб келиши мумкинлиги ҳам ташвишлантиради. Бир қатор декларациядаги СССР фуқаролигини сақлаб қолиш ҳуқуқига кафолат беришдек қоидани мисолга олиб кўрайлик. Республика фуқаролигини эълон қилиш, бу, албатта, унинг суверен ҳуқуқи, лекин СССР фуқаролигини сақлашга доир республика ҳуқуқи эса бутунлай бошқа масала. Ташқаридан қараганда аҳамияти йўқдек туюлади. Лекин жуда муҳим томони бор. Бу одамга: «Сизга ўз исмингиз сақланиб қолиши ҳуқуқига кафолат бераман!» дейиш билан баробар, гўё бу исм сизга туғилганингизда берилмагандек. Агар барча (ёки деярли ҳамма) республикалар халқаро ҳуқуқ принципларига содиқликлари тўғрисида айтаётган бўлсалар, бу тағин ҳам мантиқсизроқдир: ахир давлатнинг суверенитетини (бу ҳолда СССР) тортиб олиш ҳам, камситиш ҳам мумкин эмас. Амалда бу хилдаги таъриф шунга олиб келиши мумкинки, ҳар бир совет фуқаросига СССР Конституциясида кафолат берилган ҳуқуқ ва эркинликларга у ёки бу республикаларда риоя қилинмайдиган бўлади.

Декларация тузувчиларнинг қандайдир янги, демократик, аввалги йиллардагидан фарқ қиладиган қонун яратишга интилишини тушунса бўлади. Лекин файласуф айтгандек, керагидан сал-пал камайтирилса ёки кўпайтирилса ўйлаб қўйилган нарса тескарисига айланиб кетиши мумкин.

Марказ билан республикалар ўртасидаги ваколатларни фарқлаб қўйиш масалаларига ҳам ниҳоятда пухта ёндашиш лозим. Менимча, марказнинг ваколатлари йиғиндиси алоҳида олинган республика ваколатларидан тор бўлмаслиги керак. Акс ҳолда марказдан қочма кучлар шу қадар қудратли бўлиб қоладики, умумдавлат даражасидаги ҳар қандай қарорларга тўсқинлик қила бошлайди, бунга биз Иттифоқ парламентининг айрим қарорлари ва Президент фармонларини амалга оширилиши чоғида ишонч ҳосил қилдик.

Ҳа, ҳаммамиз учун зарур бўлган ҳуқуқий механизмни йўлга қўйиш биз истаган даражада юз бераётгани йўқ. Нега? Чунки ҳокимиятнинг марказий тузилмалари заифлаштириб қўйилди ва асосан, ҳозирча ижро этувчи ҳокимият бўшдир. Бошқарувнинг эски партиявий тузилмаларини бузиш (гарчи улар маъмурий-буйруқбозлик тузилмалари бўлса ҳам) изсиз кечмади, янги тузилмалар эса ҳали ташкил қилингани йўқ. Агар бунга мамлакат бўйича турмуш даражасининг пасайганлигини қўшадиган бўлсак, ҳамма масалани ўзининг, «маҳаллий» даражасида ҳал этмоқчи бўлганларнинг истагини тушуниш қийин эмас.

Бироқ алоҳида Калуга ёки Рязань қонунлари (Ленин сўзлари билан айтганда) бўлиши мумкин эмас, аксинча, ягона ҳуқуқ-тартибот қўллаб-қувватланиши керак, қонунларга ҳам мамлакатнинг ҳамма фуқаролари томонидан риоя этилиши лозим. Ана шундагина ҳар бир алоҳида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамиятда таъминланган бўлади.

Иттифоқ шартномасининг имзоланиши — ҳаётий зарур бўлган ишдир. Давлатимиз тараққиёти мантиқининг ўзи — мамлакат барча минтақаларининг ўзаро алоқаси ва бир-бирига боғлиқлиги шундай бўлиши кераклигини тақозо этиб турибди.

Юрий КНЯЗЕВ,
СССР Олий Кенгашининг катта эксперти, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.
(ИАН).

17 МАРТ-СССР РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ЧИРЧИҚЛИКЛАР ТАЙЁР

МАМЛАКАТИМИЗ ССР Иттифоқини сақлаб қолиш учун ўтказиладиган референдумни кутмоқда. Одамлар эртага биргаликда кучли жамиятда ёки бўлинган ҳолатда яшаймизми деган руҳда. Айтиш мумкинки, кўпчилик бирлик тарафдори. Қаерда сепаратистлар кучли бўлса, ўша ерда безовталик бўляпти. Баъзи республикалар референдумда қатнашишдан воз кечишди.

Лекин Иттифоқни сақлаб қолишга уринаётган жумҳуриятларда эса референдумни ўтказиш ва унга тайёргарлик кўриш сўнгги паллага кирди. Мавзе ва участка комиссияларида ишлар жонланиб кетди. Ҳозир жойлардаги комиссия аъзолари аҳолига референдум тўғрисида тушунчалар берибгина қолмай, балки турли мавзуларда суҳбатлар ҳам уюштирди.

Умумхалқ овозида «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беришдан олдин чуқур мулоҳаза юритиш даркор. Шунинг учун ҳам 17 март куни бўладиган референдумда шунчаки қатнашмаслик керак. Рўзномаларда ёритилаётган фикрларнинг хилма-хиллиги бунинг далилидир. Масалан, кимдир Иттифоқ учун овоз беришини ва нима учун шу Иттифоққа овоз берётганини мисоллар билан исботлаб, ўзича таҳлил қилиб берса, яна бошқаси иқтисодий-сиёсий тангликдан қутулишнинг йўлларини кўрсатяпти.

Буларни биз ҳар куни ўзаро суҳбатларда, кўча-кўйда такрорлаяпмиз. Яхшиси жойлардаги мавзе ва участка комиссиялари қандай тадбирларни амалга оширганлиги билан танишган маъқул. Бу борада 16-Чирчиқ шаҳар мавзе комиссияси аъзолари олиб борган ишлар диққатга сазовордир.

Мавзе комиссиясининг раиси А. И. Бутаев билан суҳбатлашдим.

— Ҳозирча олиб борилаётган ишларимиз мақтовга арзигулик эмас, — деди у,— референдумни худди байрамдагидек ўтказиш керак. Шаҳардаги мавзелар, маҳаллаларда бўлган учрашувлар бунинг яққол далилидир. Мавзе комиссиямиз 59 та овоз берувчи участкани ўзида мужассамлаштирган. Умуман, ушбу участкаларда 89 мингдан зиёд кишининг овоз бериши кутилмоқда. Умумхалқ овозида қатнашувчиларни участкалар бўйича рўйхатга олиш 2 мартгача тугатилди.

Ҳақиқатан ҳам мавзе комиссияси аъзолари ишларни яхши ташкил этишди. Комиссия аъзоси С. Попова ишдан ажралган ҳолда фақат референдумни ўтказиш ва унга тайёргарлик кўриш билан машғул. Ҳар куни соат 9 дан 20 гача навбатчилик ташкил қилинган. Шундан сўнгги икки соатлик навбатчиликни Анатолий Ивановичнинг ўзи олиб боряпти. Ташвиқот хонасида мавзе ҳудуди кўрсатилган харита осиғлиқ. Бир томонда навбатчилар рўйхати. Онун бериш участкаларининг аҳволи билан танишдик.

Референдум ўтказувчи 13-участка комиссияси «Чирчиқжилстрой» қурилиш бошқармаси биносида жойлашган. Кираверишда чап томонга «17-март — СССР референдуми куни» деб давлат тилида, ўнг томонга эса рус тилида ёзиб қўйилган. Ичкарига кириб ҳужжатлар билан танишиб, участка референдум тахт қилиб қўйилганининг гувоҳи бўлдик. Чунки овоз берувчиларнинг умумий рўйхати аллақачон тахталарга илинган. Участка харитаси, навбатчилар графиги, комиссия таркиби, иш режалари, кимлар рўйхатга олишда қатнашган ҳаммаҳаммаси бор. Участкага ташриф буюрган киши референдумга тааллуқли адабиётларни кўздан кечириши мумкин. Навбатчи бизни участканинг ишлари билан таништирди. Бу ерда 15 февралдаёқ тарғиботчилар, комиссия аъзолари иш бошлаб юборишган. Рўйхатга олувчилар билан семинарлар ўтказилиб, тушунчалар берилди. Оммавий-сиёсий тадбирлар ҳам кўнгилдагидек борди. Референдум куни овоз берувчилар учун савдо дўконлари, бадиий ҳаваскорлар хизмат кўрсатишади.

5-участка гўшт комбинати идорасида жойлашган. Бизни кутиб олган навбатчи ўзини участка комиссиясининг котибаси С. Орипова деб таништирди. Агитпунктни девордаги кўрсаткичлар орқали билиб олдик. Хонада телефон бор. Деворларда олдинги участкадагидек овоз берадиган ҳудуд харитаси, референдум ҳақидаги Қонун илиб қўйилган, рўзномаларнинг янги сонлари келтирилади.

Умуман чирчиқликлар референдумга пухта ҳозирлик кўрдилар. Бу ишга жойлардаги халқ депутатлари ҳам жалб этилган. Референдум олдидан шаҳар ижроия қўмитаси участкалар учун йўриқномалар тайёрлади. Ана шу кўрсатмада овоз берувчи участка комиссиялари нималар қилиши зарурлиги ёзиб қўйилган. Бу ишда замонавий компьютердан фойдаланилаяпти. Керакли тугмачани босишингиз билан референдум қандай бораётганлиги, жойлардаги аҳвол ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўласиз.

Шаҳар мавзе комиссияси референдумга тайёргарлик давомида кенг кўламда иш олиб борганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Тайёргарлик давомида бир қатор корхона ва ташкилотларда, аҳоли яшаш жойларида, маҳаллаларда учрашувлар ўтказилди. Бундай йиғилишларда овоз берувчиларга референдумнинг моҳияти ҳар томонлама тушунтирилди.

Фақат бугина эмас, 17 март куни шаҳардаги алоқа ташкилотлари, савдо, маданият бўлимларининг ходимлари ҳам меҳнаткашларга хизмат кўрсатадилар. Комиссия раиси А. И. Бугаев айтганидек, шаҳарда референдумни кўтаринки руҳда ўтказишмоқчи. Бунинг учун ҳамма ишлар қилинган.

Хуллас, Чирчиқ шаҳрида бўлган бир кунлик сафар давомида шунга амин бўлдикки, чирчиқликлар референдумда актив иштирок этиб, янгиланган ягона Иттифоқ учун овоз берадилар.

Ҳ. ЮНУСОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ФУҚАРОНИНГ ТИНЧЛИГИ КЕРАК

Референдум арафасида турли табақадаги кишилар ўртасида ҳар хил гап-сўзлар юргизилмоқда, айримлари ССР Иттифоқи учун овоз бермасликка даъват этмоқдалар, халқни яна боши берк кўчага бошлашга уринмоқдалар. Хўш, шундай мураккаб пайтда вилоят ҳуқуқ-тартибот органлари қандай ишларни амалга оширдилар ҳамда барча жойларда СССР референдумининг тинч-осойишта ўтишини таъминлаш учун нима қиладилар?

Биз ана шундай савол билан вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Назрулла Фатхуллаевич ФАЙЗУЛЛАЕВга мурожаат қилдик.

— РЕФЕРЕНДУМ мамлакатимиз бўйича биринчи марта ўтказилмоқда. Шунинг учун биз район ички ишлар бўлимлари билан биргаликда жамоатчиликка таянган ҳолда комиссияларга ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам бериб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бордик, қонунларни бузишга мойил кишилар билан суҳбатлашдик.

Ўзингиз биласиз, яхши ниятда бошланган ошкоралик, демократиядан бузғунчи тўдалар ғаразли мақсадларда фойдаландилар, миллий жазава қўзғотишга уриндилар. Улардан референдум куни ҳар балони кутиш мумкин. Чунки бундай кишиларнинг ҳамма турмушда ҳеч нарсани кўрмаган, иқтисодиётни ҳам, сиёсатни ҳам билмайдиган, ўз нафсониятлари йўлида одамларнинг тинчлиги ва осойишталигини, оилаларимиз ва фарзандларимизнинг хавфсизлиги, омонлиги ва келажагини қурбон қилишга тайёр турган кишилардир.

Менимча, бундай кишиларга халқ тинчлигидан кўра сохта обрў-эътибор ортириш афзалроқ кўринади.

Маълумки, СССР референдуми тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун жавобгарлик ҳақида СССР Қонуни қабул қилинган. СССР фуқаролари СССР референдумида иштирок этиш ҳуқуқларини эркин амалга оширишига, зўравонлик, алдаш, дўқ-пўписа қилиш, сотиб олиш ёки ўзга йўл билан тўсқинлик қилувчи шахслар, шунингдек, ҳужжатларни сохталаштирган, қўшиб ёзган, атайлаб овозларни нотўғри ҳисоблаган, овоз бериш яширинлигини бузган давлат ва ёки жамоат идораларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари, ташаббускор гуруҳлари ва референдум комиссияларининг аъзолари, имзо тўпловчи шахслар беш йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки икки йилгача муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари ёҳуд 5 минг сўмгача жарима билан жазоланадилар.

Вилоят ҳуқуқ-тартибот органлари референдумнинг тинч-осойишта ўтишини таъминлаш учун барча тадбирларни амалга оширадилар. Чунки бизга айрим гуруҳларнинг ғаразли мақсадларидан кўра халқимизнинг осойишталиги, барча миллатларнинг аҳил-иноқлиги керак.

— Назрулла Фатхуллаевич, ўзингиз ССР Иттифоқи учун овоз бериш зарур, деб ҳисоблайсизми?

— Албатта. Мен барча республикаларнинг тенг ҳуқуқли асосда совет федерацияси составида қолиши учун овоз бераман. Ҳозир аҳвол жуда мураккаб. Жиноятчилар кўп. Уларни топиб, жазолаш эса кутилган натижани бермаяпти. Чунки бошқа республикалардан келиб, жиноят қилган шахслар яна ўз жойларига қочиб бормоқдалар, ҳар хил гуруҳларга қўшилиб кетмоқдалар. Жиноятчиларни ушлаб бериш тўғрисидаги ҳақли талаблар кўпинча бажарилмайди. Бу аҳволда мамлакатимиз катта фожиага йўлиқиши ҳеч гап эмас. Агар барча республикалар тенг ҳуқуқли асосда совет федерацияси таркибида қолсалар, қонунларнинг амал қилиниши таъминланади, ўзаро ҳурмат, қардошларча муносабат таркиб топади.

Суҳбатни Э. ҚОСИМОВ ёзиб олди.

17 МАРТ-СССР РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

Навруз

АЙЁМ АРАФАСИДА

Ҳамма орзиқиб кутаётган Наврўз байрамига саноқли кунлар қолаяпти. Байрамга ким қандай тайёргарлик кўраяпти? Ким қандай совға ҳозирлаяпти? Вилоятимизда Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича тузилган ташкилий қўмитанинг навбатдаги мажлисида шу саволлар ўртага ташланди.

— Байрам муносабати билан биз «Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди, ҳеч ким эътибордан четда қолмайди» деган шиорни ўртага ташладик,— деди вилоят ижтимоий таъминот бўлими бошлиғининг ўринбосари В. И. Арутюнян.— Тузилган комиссия аъзолари кам таъминланган якка-ёлғиз оилаларни, ногирон ва ночор кишиларни аниқлаб чиқдилар. Улар учун алоҳида совға-саломлар тайёрланмоқда. Бундан ташқари фондимиздан қариялар, болалар уйларида сумалак, ҳалим пишириш учун маблағлар ҳам ажратилди. Байрам кунлари кўнгли ярим кишиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Ҳеч ким ўзини ёлғиз ҳис этмайди.

Шу фикрни В. И. Ленин номидаги Совет болалар фонди Тошкент вилоят бўлими раисаси Мунира Солихова ҳам давом эттирди. Етимесирларга, кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун фонддан 100 минг сўм ажратилди. Байрам совғаларининг бир қисми яқинда 50 нафар қаҳрамон онага тақдим этилди. Энди ҳар бир етим боланинг жамғармасига 50 сўмдан пул ўтказилаяпти. Болалар уйларида, болалар колонияларида сумалак пишириш, совға-саломлар улашиш учун ҳам каттагина миқдорда маблағ ажратилган.

— Наврўз қадимдан меҳр-шафқат, байналмилал байрам бўлиб келган,— деди вилоят бош имом хатиби Абдуғани Абдуллаев.— Унда барча мусулмонлар иштирок этганлар. Бу йил ҳам шундай бўлади. Байрам кунлари вилоятимиздаги йирик мачитларда биттадан мол сўйилиб гўштини мухтож оилаларга улашамиз. Илгарилари хайр-эҳсон қилолмасдик, чунки қонун кўтармасди. Қайта қуриш туфайли меҳр-шафқатга кенг йўл очилди. Биз етимесирларга мурувват қилсак, ота-онасиз қолган гўдакларнинг бошини силасак, чўккан кўнгилларини кўтарсак уларнинг қалбида ҳам одамларга, жамиятга меҳр-муҳаббат уйғонади, дийдалари юмшайди. Агар эътиборсиз бўлсак ёш қалбларни қаҳр-ғазаб эгаллайди. Шунинг учун ҳам биз ўзига тўқ оилалардаги ҳар бир киши ҳисобидан бир сўмдан фитр рўза йиғиб етимесирларга, мухтожларга ҳадя этишни тавсия қилаяпмиз. Бу катта савоб ишдир.

Ташкилий комитет мажлисида вилоят ва Тошкент шаҳри касаба уюшмалари бирлашмасида, Чирчиқ шаҳар ва Калинин районларида байрамга қандай ҳозирлик кўрилаётганлиги ҳақидаги ҳисоботлар ҳам тингланди. Вилоят маданият бошқармаси бошлиғи З. Солиҳов бадиий ҳаваскорлик коллективларининг байрамга бағишланган репертуарларига байналмилал руҳни сингдириш зарурлигини уқтирди. Мажлисда бу йўналишда муҳим тавсиялар берилди.

Олдинги мажлисда вилоятимизда Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврини ифодаловчи ҳужжатли фильм яратиш таклиф этилган эди. Ташкилий қўмита аъзоси, «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси муҳаррири Н. Насимов шу таклиф қандай бажарилаётганлиги ҳақида маълумот берди. Видеокиноҳаваскорлар уюшмаси билан тузилган шартномага мувофиқ вилоятимизда Наврўз байрамига бағишланган видеофильм яратиладиган бўлди. Ҳадемай видеоҳаваскорлар саккизта гуруҳга бўлиниб вилоятимизнинг шаҳар ва районларига чиқиб кетадилар. Уларнинг самарали ишлашлари учун маҳаллий ҳокимият раҳбарлари амалий ёрдам кўрсатишлари керак.

Мажлисда жумҳурият президентининг фармонига мувофиқ кенг кўламда нишонланаётган Наврўз байрами тарихи ва қайта тикланиши билан боғлиқ воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи китоб яратиш ғояси туғилди. Бу ғояни рўёбга чиқариш ташкилий қўмита аъзоларидан тузилган махсус гуруҳга топширилди.

Мажлисга вилоят ижроия қўмитаси раиси, ташкилий қўмита раиси С. Д. Сайдалиев якун ясади.



Буғдой унди, дошқозонни осса бўлади. Суратқаш С. МАҲКАМОВ.

КЎРИК ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ҲАММА ерда байрамлар байрами — Наврўзга тайёргарлик қизғин тус олмоқда. Ҳадемай дошқозонларда сумалаклар, ҳалимлар қайнайди, турли миллий таомлар тайёрланади, бу кунда йигитлар от сурса, қизлар тол гулидан маржон тўқийдилар, полвонлар даврага чиқишади. Ҳамма жойда халқ сайиллари уюштирилади, санъат усталари маҳоратларини намойиш этадилар. Аскиячилар ичакузди пайровлари билан мухлислар кўнглини хушнуд этсалар. Дорбозлар қадимий санъатнинг янги қирраларини очадилар. Ҳа, Наврўз бир томондан йўқолаётган урф-одатларимиз, миллий ғуруримизни тиклашга хизмат қилса, иккинчи томондан ватанпарварлик, дўстлик, инсонни севиш каби хислатларни улуғлаш, кишилар ўртасидаги эски гинакудратларни, аразларни унутиш, инсонга яхшилик қилиш каби одамий хислатлар янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Тошкент вилояти ва шаҳри касаба уюшмалари бирлашмаси Кенгаши, вилоят ва шаҳар хотин-қизлар кенгашлари Наврўз байрамини яхши тайёрлаш ва ўтказиш юзасидан кўрик эълон қилди. Ундан кўзланган мақсад мазкур байрамни янада мазмунли, аҳолининг барча табақалари истакларини қондирадиган қилиб ташкил этиш, кўрикка ёши ва миллатидан қатъий назар ҳаммани жалб этиш, дўстлик, халқлар қардошлиги каби умуминсоний фазилатларни улуғлашдир. Қабул қилинган қарорда Ленинобод ва Чимкент вилоятлари касаба уюшмалари билан биргаликда ҳаваскорлик ижоди жамоаларининг алмашувини ташкил этиш ҳам таъкидланган.

Ғолиб ташкилотчилар ҳамда жамоаларни мукофотлар кутади. Кўрикда қатнашишни истовчилар тадбир матнларини касаба уюшмалари Бирлашмаси Кенгашига 1991 йилнинг 30 мартигача юборишлари керак.

Б. ПЎЛАТОВ.

«БОЙЧЕЧАК»—ИСТЕЪДОДЛАРНИ КАШФ ЭТАДИ

Яқинлашиб келаётган халқ байрами — Наврўз Ўзбекистон пойтахтидаги маданий-маърифий муассасалар фаолиятини жонлантириб юборди. Тошкентнинг Куйбишев районида бу воқеа арафасида катта режалар тузиб қўйилди. Театрлаштирилган томошалар, танловлар, халқ сайллари ўтказиладиган асосий жойлар белгилаб қўйилди. Булар Ҳамид Олимжон номли, Горький номли майдонлар, Фируза, Ялонғоч, Ҳумоюн, ТТЗ даҳаларидир. Райондаги 35 та маҳалланинг ҳаммасида ҳудудларни ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Бу ерда Наврўз анъаналарини муқаддас билишади. Ривоятларда айтилишича, Наврўзда ҳар бир киши учта шартни бажариши — ўз уйини тартибга солиши, тозалаши, хафалашиб қолган одамлари билан ярашиши, яхши ниятларни дилига тугиб, одамлар ҳузурига қувноқ кайфият билан бориши керак. Районда яшовчи кичкинтойлар учун кутилмаган совға тайёрланяпти. Улар учун махсус «Бойчечак» байрами ўтказилади. Бу байрам Наврўзнинг анъанавий удумларидан бири билан боғлиқдир.

(ЎзТАГ).

АЙНИ САВОБ ИШ

Наврўз фақат баҳор байрами, гуллар сайли эмас, балки кишиларнинг эзгу ниятларини бирлаштириш, меҳр-мурувват кўрсатиш, марҳумларни эслаш байрами ҳамдир.

Ўтган шанба куни жумҳуриятимиз пойтахтининг Й. Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрига келган кишилар ана шу эзгулик йўлидаги янги анъананинг гувоҳи бўлишди. Томоша залига кираверишдаги фойеларда столлар устига ёзилган оппоқ дастурхонларга турли ноз-неъматлар, нисиқ нонлар қўйилган эди. Ланг очилган театр эшигидан СССР халқ артистлари Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраева ва бошқа санъат намояндалари кириб келишди.

Театр фойесида бу ерда узоқ йиллар ишлаб ҳаётдан кўз юмган санъаткорларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган. Сўзга чиққан кишилар бу театр усталарининг номларини ҳурмат билан тилга олиб, уларнинг маҳорати ёшлар учун ўрнак бўлиб қолишини таъкидлашди.

— Жамоамизда 130 нафар киши бор, — дейди жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Лутфулла Саъдуллаев. — Шундан 45 киши ижодий ходимлардир. Улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муваффақият келтирмоқда. Лекин тирикларнинг қадрига етиш учун уларнинг марҳум ҳамкасблари хотирасини эслаш айни савобли ишдир. Театр маъмурияти Наврўз байрами арафасида ўтказган бу тадбир ҳаммамизни қувонтирди.

Тирикларга меҳр-мурувват, уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, марҳумлар хотирасини ёд айлаш Наврўзи оламга тайёргарлик ишларининг таркибий қисмидир.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ

РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА

ТОМОШАЛАР:
15 мартда соат 19.00 да,
16 мартда соат 16.00 да,
17 мартда соат 12 ва 15.00 да
БОШЛАНАДИ

Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда.

Касса дам олиш кунисиз, соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Олдиндан чипта сотиш ташкил қилинган.

Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04, 44-35-84.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги
М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА
15 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

«Наврўз» хайрия концерти

Ўзбекистон ССР халқ артисти
Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ
«ҚИЗИҚЧИ-90» танловининг ғолиби
Ҳожибой ТОЖИБОЕВ
Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг
«ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР»
ҲАМДА
«ТАНОВАР» рақс ансамбллари
Концерт дастурини Ўзбекистон телевидениесининг сухандонлари, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Фарҳод БОБОЖОНОВ ва Ҳалима ЮСУПОВАлар олиб борадилар.
Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА
16 МАРТ СОАТ 14.00 ДА
НАВРЎЗ ТЕЛЕМАРАФОНИГА
ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССР халқ артистлари:
Ғуломжон ЁҚУБОВ.
Бобомурод ҲАМДАМОВ
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Фируза СОЛИҲОВА, Муножот ЙЎЛЧИЕВА, Ортиқ ОТАЖОНОВ, Нарзиддин ШЕРМАТОВ.
Жумҳурият I мақомчилар конкурси совриндори Раҳматжон ҚУРБОНОВ.
Хонанда Олимжон ОРИФЖОНОВ
«ШОДЛИК», «ЛАЗГИ», «ЗАРАФШОН» давлат ашула ва рақс ансамбллари.
Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилмоқда.

Ўзбек давлат филармонияси маъмурияти жамоаси Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. Ҳайдаровга онаси
Турсунбуви ҲАЙДАРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

МУҲАРРИР ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: мафкура — 325778, деҳқончилик-саноат — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Советлар ҳаёти — 325645; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар —334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Буюртма — 4884. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12